

## АЛИШЕР НАВОЙНИНГ ГЕНДЕРГА ОИД ҚАРАШЛАРИДА ИЖТИМОИЙ МАНСУБЛИКНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИКЛАРИ

**Ro'ziyeva Shoxsanam Nor qizi**

Navoiy viloyati Karmana tumani 24-DMTT tarbiyachisi

**Аннотация:** Ушбу мақолада Алишер Навоийнинг гендер муносабатлар тизимида ва ижтимоий ҳаётда аёлларнинг ўрни ҳақида берган баҳоларини кичик бир қисмини баҳолаш орқали бундай қарашларнинг шу соҳада олиб бориладиган тадқиқотлар учун нақадар аҳамиятли эканлиги тўғрисида фикрлар юритилган.

**Калит сўзлар:** гендер муносабатлар, тамаддун, тил

Ўзбек миллатининг гендер муносабатларга баҳоси асрлар оша ушбу ҳалқнинг турли диний, ижтимоий, сиёсий ва табиий қарашларининг ўзгариши жараёнида шаклланиб борган. Алишер Навоий даврида ўзбек тамаддунининг энг юксак намуналари яратилди дейиш мумкин. Тамаддуннинг ушбу тараққиёти гендер муносабатларнинг юксак даражада шаклланиши ва баҳоланишига олиб келди: бу тадриж давр тили

- бадиий ва илмий-урфоний асарларида ҳам ўз аксини топмай қолмади. “Махбуб ул қулуб” асарининг ўттизеттинифасли “Кадхудолиғ сифати ва хотунлар зикрида” бўлиб, унда айтилган фикрлар бугунги кун учун ҳам долзарбdir: “Мувофиқ тушса кадбону, давлат ва жамиятга бўлмоқдурур ҳамзону. Уйнинг оройиши андин ва уйлукнинг осойиши андин. Жамоли бўлса марғуб ва салоҳи бўлса жонға матлуб. Оқила бўлса, рўзгорға андин салоҳ ва интизом ва маош асбобига андин тартиб ва саранжом. Бу навъ жуфт кишига қовушса, балки мундок комгорлик иликка тушса, ниҳоний ғаму меҳнатда ҳамроz ва ҳамдаминг бўлғай ва маҳфий ва пинҳон дарду машаққатға дамсоз ва марҳаминг бўлғай. Рўзгордин ҳар жафо етса,

анисинг ул ва چархи даввордин ҳар ибтило келса, жалисинг ул. Кўнглунг ғамидин ул ғамнок ва баданинг заъф малолатидин ул ҳалок.

Агар ҳусну жамоли ўрта чоғлиғдур ва мувофақати риштаси мухолифатқа боғлуқдур, хавфу ражо била тирилмакдур ва ҳикмат ва мадор била маошини билмакдур. Кадхудонинг баъзи мушкили бўлса осондур.

Аммо кўпроқ ҳолида кўнгул ҳаросондур. Бу навъ не ҳам нофаржомлик ва нокомлик била таҳаммул қилғай ва ҳар нечук бўлса ўткарилғай. Аммо, наузубиллох, носоз жуфт элга мухлик мараздур ошкор ва нуҳуфт. Салита бўлса, кўнгул андин шиканжа. Ямон тиллик бўлса, абушқа кўнгли андин яролиғ...”

Кўринадики, Алишер Навоий аёлларнинг жамиятдаги ва оиласидаги ўрнини жуда тўғри баҳолайди. Шунингдек, аёлларнинг нутқ маданияти борасида ҳам фикр билдириб ўтади (Ямон тиллик бўлса, абушқа кўнгли андин яролиғ...). Аёлларнинг феъл-атворларида камчилик ва ютуқларни тўғри баҳолайди. Ҳар қандай камчиликларига қарамай уларни эъзозлаш лозимлиги борасида фикр юритади: “Алар макри таърифида кўп улумда доно ва кўп дикқатлиғ хукумо китоблар тасниф этибдурлар ва мужаллидлар битибдурлар ва муболағалар била бастлар қилибдурлар. Ва ҳануз ўзларини ожиз ва муқассир билибдурлар. Бу бир неча паришон қаломот бирла не навъ таърифларин айтса бўлғай ва тавсифларининг юздин бирига етса бўлғай. Аммо хос ул-хослари буларга акси мутлақ ҳақгўй ва ҳақшунос ва тилларида ҳақ ва кўнгулларида дағи ҳақ. Уламои исломға алардин фойидай умид, авлиёи аъзам алар анфосидин мустафид, анбиё мурсилинни аларга модих билғил, малоика муқаррибин аларға эгачи-сингил. Иффат торидин бошларида муқнаъ ва исмат ҳулласидин юзларида бурқаъ, бу бурқаъни ул юзидин ҳақ йироқ қилмасун ва футур елидин бу парда ул важҳдин очилмасун.”

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, Алишер Навоийнинг гендер қарашлари халқимизнинг гендер муносабатлари шаклланиши тарихининг энг эътиборга молик даврларидан бирида шаклланган.

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ: (REFERENCES)**

1. А.Навоийнинг “Махбуб-ул қулуб” асари
2. 1. Гендер асослари: назария ва амалиёт. – Тошкент: 2003. – 480 б.
3. 2. Гендер муносабатлари назарияси ва амалиётга кириш. – Тошкент: 2007. – 137 б.
4. Маллаев Н.М. Ўзбек адабиёти тарихи. – Тошкент: Ўқитувчи, 1965. – 743 б.

